

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 232 (11.041)

Баҳоси эркин нархда

## XXI АСР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН  
СЎНГИ ХАБАРЛАР

### МАМЛАКАТИМИЗДА

● Кеча Тошкентдаги «Интерконтиненталь» меҳмонхонасида «Курилиш материаллари ва техникаси, ойна, эшиклар, совутиш ҳамда иситиш жихозлари BuildExpo Uzbekistan — 2007» халқаро кўргазмаси иш бошлади. Унда Германия, Австрия, Буюк Британия, АҚШ, Туркия, шунингдек, мамлакатимиздаги 40 га яқин компания ва фирмалар ўз маҳсулотлари ва хизмат турлари билан қатнашмоқда.

● Самарқанд шаҳрида Ўзбекистон Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, ногиронларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий маркази ҳамкорлигида Самарқанд, Жиззах, Қашқадарё, Навоий вилоятлари тиббий меҳнат экспертизаси ва реабилитация хизмати ходимлари, олимлар ва мутахассислар иштирокида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.

● Қорақалпоғистон Республикаси пойтахти Нукус шаҳрида транспорт воситаларининг транзит қатновини мувофиқлаштириш, экологик вазиятни яхшилаш мақсадида 8 километрлик замонавий Халқа йўли барпо этилди. Ушбу курилиш доирасида «Кизкетган» каналига янги кўприк қурилиб, шаҳарнинг «Телемарказ» мавзеси билан «Жийдали Бойсун» қишлоғи ўзаро боғланди.

● Фарғона вилоят прокуратурасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилиши ўтказилди.

● Навоийда «Энг намунали маҳалла» республика кўрик-танловининг вилоят босқичи якунида. Унда 336 та маҳаллада амалга оширилган хайрли ишлар қўлами сарҳисоб қилинди. Танловда Қизилтепа туманидаги «Касарашўрак» маҳалла фуқаролар йиғини жамоаси ғолиб чиқди.

● Бухоро туманида ўсимлик касалликлари ва зараркунанда ҳашаротларга қарши қўлланиладиган кимёвий воситалари билан машҳур «Дупонт» (Франция) компаниясининг Тошкент шаҳридаги дистрибуторлик корхонаси филиали иш бошлади.

● Бухоро вилоят Санъат музейида ёш расом Эркин Жўраев асарлари кўргазмаси бўлиб ўтмоқда.

● Қарши шаҳридаги 42-умумтаълим мактабига Халқ таълими вазирлиги томонидан 15 дона замонавий компьютер жамламаси берилди.

### ЖАҲОНДА

● Сербиянинг БМТ бошқарувидаги Косово ўлкасида парламент ва маҳаллий бошқарув кенгашлари ўтказилган сайловларда ғалаба қозонган Косово демократик партияси раҳбари Ҳошим Тачи бош вазир лавозимини эгаллаши мумкин.

● Грузия парламенти мамлакат Президентини Михаил Саакашвилининг Грузияда 23 ноябрь куни «Атиргуллар революцияси» санасига бағишлаб кенг миқёсда амнистия қарорини жорий этиш ташаббусини маъқуллади. Мазкур амнистияга мувофиқ 1200 нафардан ортиқ маҳкумлар озод этилади.

● Папуа-Янги Гвинеянинг Оро музофотида «Губа» тропик тўғони туфайли рўй берган сув тошқини оқибатида 153 нафар фуқаро ҳаётдан кўз юмди, ўнлаб одамлар бедарак йўқолди. Ҳукумат тошқин рўй берган музофотда фавқулодда ҳолат эълон қилди ва жаҳон ҳамжамиятидан ёрдам сўради.

● Франциянинг собиқ Президентини Жак Ширакка нисбатан Париж шаҳри мэри бўлган пайтларидики давлат маблағларини ноқонуний йўналишларда сарфлагани учун айблов эълон қилинди.

● Бугун Донецкдаги Засядько кўмири канида юз берган портлаш сабаблари эълон қилинади. Портлаш рўй берган жойда ҳамон ёнган давом этаётганлиги сабабли бедарак йўқолган 11 кишини излаш ишлари қийин кечмоқда. Украина ҳукумати кечадан бошлаб шахтада ҳалок бўлган кончиларнинг оиласига 300 минг гривен (60 минг доллар) миқдоридики тоvon пули тўлашни бошлади.

● Кеча Каспий денгизидики сувга гарқ бўлган Россиянинг «Камюст-1» юк кемаси экипажининг тўртинчи аъзоси ўлик ҳолда топилди. Об-ҳавонинг ноқулайлиги туфайли қолган 8 денгизчини излаш ишлари қийин бўлмоқда.

● Кеча Россиянинг Петропавловск-Камчатск шаҳрида электр подстанциясида қиска туташув натижасида чиққан кучли ёнган оқибатида 25 минг аҳоли ва 4 та касалхона бир неча соат давомида электр қувватисиз қолди.

● Финляндиядаги Aker Yards компанияси улкан саяхат кемасини қуриб, янги рекорд ўрнатмоқчи. Кеманинг нархи ҳозирча 9 миллион еврога баҳолаб, 2009 йилда ишга туширилади. Режага кўра кеманинг эни 47 метр, сув сатҳидан баландлиги 65 метр, узунлиги эса 360 метр бўлади. Сатҳи эса бир нечта футбол стадионига тўғри келади. Лойихага кўра, ушбу лайнерда бир йўла 5 минг киши саяхат қилиши мумкин.

● Шри-Ланкада 18 ёшга кирмаганларнинг уяли телефондан фойдаланишлари ман этиб қўйилди. Мамлакатнинг аёллар ва болалар масалалари бўйича вазирлиги шундай тўхтамга келди. Вазирлик мутахассисларнинг фикрича, мобил телефонлари ёшларнинг онгига салбий таъсир ўтказмоқда.

● Кеча Андоррада ушбу мамлакат терма жамоасини 1:0 ҳисобида енгган Россия футболчилари Европа чемпионатининг финал босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритишди.

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

### Каска сатрларда

**БУГУН** Ҳамза туманидаги «Тенгдош» маданият уйида «Камолот ЁИХ Ҳамза туман бўлими Кенгаши ҳамкорлигида Тасвирий санъат студияси ҳамда «Қалдирғоч» болалар рақс дастаси аъзолари иштирокида уюштирилган интеллектуал ўйин «Ўз билимингга ўзинг ишон» деб номланди.

● **БЕКТЕМИР** туманидаги Олим Аширов маҳалласида маҳалла фаоллари, ёшлари иштирокида «Мустақилликни асраб-авайлаш, ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлаш — муқаддас бурчимиз» мавзусида ўтказилган тадбир «Маҳалла» жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими ҳамкорлигида «Соғлом авлод — соғлом келажак» мавзусида ўтказилган тадбир Ижтимоий ҳимоя йилига бағишланди.

● **ШАХРИМИЗДАГИ** «Роҳат» маҳалласида маҳалла фаоллари, ёшлари, хотин-қизлар иштирокида «Маҳалла» жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими ҳамкорлигида «Соғлом авлод — соғлом келажак» мавзусида ўтказилган тадбир Ижтимоий ҳимоя йилига бағишланди.

● **МИРОБОД** туманида 2007-2008 йилларнинг куз-қиш мавсумига тайёрларлик кўриш масалаларига бағишлаб «Сариқўл», Фуракат, «Олтинқўл», «Навбахор», «Қорасув», М.Мерганов маҳаллалари фуқаролар йиғинлари ҳамкорлигида уюштирилган тадбирда туман ҳокимлиги, «Маҳалла» жамғармасининг туман бўлими, тумандаги коммунал хизмат кўрсатиш тизими раҳбарлари ва вакиллари иштирок этишди.

● **ЯККАСАРОЙ** туманидаги Муқимий маҳалласида «Маҳалла» жамғармасининг Тошкент шаҳар ва Яққасарой бўлими ҳамкорликларида маҳалла фаоллари, ёшлари иштирокида уюштирилган тадбир Ижтимоий ҳимоя йилига бағишланди.

● **«COSCOM»** алоқа компанияси ташаббуси билан истеъмолчиларга сифатли хизмат кўрсатишни таъминлаш мақсадида «Nokia» ва «Simens» компаниялари вакиллари иштирокида ҳамкорлик шартномаси имзоланди. Утган куни шаҳримизда алоқа соҳаси мутахассислари иштирокида ўтказилган матбуот анжумани ана шу масалага бағишланди.

● **«ЁШЛИК»** спорт мажмуасида қиличбозлик бўйича эркеклар ва қизлар ўртасида ўтказилаётган Ўзбекистон Кубоги мусобақалари қизгин паллага кирди.

● **ЎЗБЕКИСТОН** Миллий университети спорт мажмуасида баскетбол бўйича ўтказилган турнирда россиялик, қозғистонлик спортчилар ҳам иштирок этишди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Аxbорот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

### Кўшма корхоналарда

## МАҲСУЛОТ ХАРИДОРГИРЛИГИ ОРТМОҚДА

**ШУБҲАСИЗ, ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА ЗАМОНАВИЙ ТЕХНИКА ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛНИШ ТАЙЁРЛАНАЁТГАН МАҲСУЛОТ СИФАТИ ҲАМДА РАҚОБАТДОШЛИгини ОШИРИШДА, ТОВАРЛАРНИ ХАРИДОРЛАРГА МАНЗУР ЭТИБ, БУЮРТМАЧИЛАР САФИНИ КЕНГАЙТИРИШДА МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТАДИ.**

Худди шундай юксак унумли хорижий линиялар қувватидан фойдаланган ҳолда Туркиядан келтирилган ҳамда юртимиздаги «Навоийазот» корхонаси хом ашёсидан импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар тайёрлаётган «Al-Tach» кўшма корхонаси имкониятларини ишга солган ҳолда изланиш ва интилиш боис ички бозорда ўз ўрнига эга бўлмоқда.


Туркиялик ишбилармонлар билан ҳамкорликда ташкил этилган ушбу корхона ўзининг илк фаолиятини 2-3 хилдаги маҳсулот тайёрлаш билан бошлаган бўлса, бугунги кунда 25 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилаётган жамоада 70 хилдан зиёд шампунлар, ювиш ва оқартириш воситалари ишлаб чиқарилаётган. Энг асосийси эса талаблар даражасида тайёрланаётган ушбу товарлар импорт ўрнини босиши, экологик тозаллиги билан харидорларни жалб этмоқда.

— Харидор талаб ва эҳтиёжини қондириш учун янги маҳсулот турларини яратиш, сифатини ошириш, қадоқланишига эътибор қаратиш, албатта, таннархини ҳам арзонлаштиришга эришиш катта аҳамиятга эга, — дейди кўшма корхона директори ўринбосари Ҳасан Йўлдошев. — Биз ана шулардан хулоса чиқарган ҳолда маҳсулот тайёрлаймиз. «SECRET» савдо белгиси билан ишлаб чиқараётган шампунларимиз нафақат сочлар тозаллигини, балки соғлом ва мустаҳкамлигини ҳам таъминлайди. Утган йилда 500 миллион сўмлик маҳсулот тайёрлаган бўлсак, жорий йил охиригача ушбу рақамни 600 миллион сўмга етказишни режалаб турибмиз. Келгусида эса цехларимизни кенгайтириб, экспортни йўлга қўйиш мақсадимизни ҳам амалга ошираемиз. Ҳозирда ана шу ният йўлида изланишларни давом эттираямиз. Яна

шу нарсани таъкидлашим лозимки, мамлакатимизда хорижий инвесторларга яратилган шарт-шароитлар, тадбиркорликнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватланиши бизга катта мадад бўлмоқда. Президентимизнинг бу борадаги қатор Фармон ва қарорлари бунга яққол мисол бўлиб, албатта унинг ижросини таъминлаш, оқилона фойдаланишида ўзимизнинг ҳам ҳиссамиз бўлиши лозим.

Айни пайтда тадбиркорлар ўз маҳсулотлари таннархини арзонлаштириш мақсадида қадоқлаш идишлари учун хом ашёни шу ерда тайёрлашни йўлга қўйишни кўзда тутишмоқда. Бунинг учун Туркиядан янги технологик линиялар келтириш режаланган. Бу мақсад амалга ошса қадоқлаш ашёларининг кўриниши, ҳажми ҳамда сифати янада яхшиланади, маҳсулотнинг харидоргирилиги ҳам ортади.

**Дилноза ФИЁСОВА**  
**СУРАТЛАРДА:** илгорлар Маммур Аҳмедов ва Элдор Маманов сифатли маҳсулот тайёрлашга муносиб ҳисса қўшадилар; кимё муҳандиси Ҳабибулла Йўлдошев ўз ишининг устаси саналади.  
Козим Улмасов олган суратлар



Тадбирда таъкидланганидек, мамлакатимизда жисмоний ва ақлий нуқсонли бор болалар, ногирон болалар ва боқувчисини йўқотган болалар тўғрисида гамҳўрлик қилишга давлат мустақиллигига эришилган дастлабки кунлардан бошлаб катта эътибор бериб келинмоқда. Ана шундай болалар таълим ва тарбия олишига ихтисослаштирилган таълим муассасалари фаолият олиб бориши учун тегишли ҳуқуқий база яратилди.

Бугунги кунда мамлакатимизда 28 та «Меҳрибонлик уйлари» ва 86 та ихтисослаштирилган мактаб-интернат мавжуд. Мазкур муассасаларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун ҳар йили давлат томонидан собитқадамлик билан маблағ ажратиб келинмоқда.

«Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурига мувофиқ «Меҳрибонлик уйлари» ва ихтисослаштирилган мактаб-интернатларнинг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлашга қаратилган тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, уларни капитал таъмирлаш ҳамда техник ва ёрдамчи воситалар, компьютер синфлари, мебель ва юмшоқ инвентар билан жиҳозлаш, автотранспорт ажратиш, шунингдек «Меҳрибонлик уйлари»нинг битирувчилари учун ҳар бир минтақада оливайи блоклар билан ётоқхоналар, болаларни ижтимоий мослаштириш марказлари ташкил этиш, болаларни тиббий ва профилактика мақсадидаги кўриклардан

мунтазам равишда ўтказиб туриш, янги таълим дастурлари ва қўлланмалар яратиш ишлари амалга оширилмоқда.

Чунончи, жорий йилда «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури доирасида «Меҳрибонлик уйлари» ва ихтисослаштирилган мактаб-интернатларда жами 1,5 миллиард сўмлик

уйи» барпо этилмоқда. Уларда юқорида айтилган тоифадаги болаларнинг таълим олиши ва тарбияси учун имкон қадар яхшироқ шароитлар таъминланади. Бу йўналишда Навоий вилоятида муайян тажриба тўпланган. Мамлакатимизда фаолият кўрсатиб турган бешта шундай муассасадан учтаси

ўтказилди. Шу билан бирга семинар иштирокчилари томонидан қайд этилганидек, халқ депутатлари шаҳар, туман ва вилоят Кенгашлари депутатлари «Меҳрибонлик уйлари» ва ихтисослаштирилган мактаб-интернатларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш муам

## Олий Мажлис Сенатидики БОЛАЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯСИ ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

**НАВОИЙ ШАҲРИДА 21 НОЯБРЬ КУНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ФАН, ТАЪЛИМ, МАДАНИЯТ ВА СПОРТ МАСАЛАЛАРИ ҚўМИТАСИ ТОМОНИДАН ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ НАВОИЙ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ БИЛАН БИРГАЛИҚДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН СЕМИНАР «МЕХРИБОНЛИК УЙЛАРИ» ҲАМДА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН МАКТАБ-ИНТЕРНАТЛАРНИНГ МОДДИЙ-ТЕХНИКА БАЗАСИНИ МУСТАҲКАМЛАШДА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ШАҲАР, ТУМАН ВА ВИЛОЯТ КЕНГАШЛАРИ ДЕПУТАТЛАРИНИНГ ЎРНИГА БАҒИШЛАНДИ.**

ҳажмада таъмирлаш ҳамда қурилиш ишлари бажарилди, бундан ташқари ана шу мақсадларга қўшимча равишда 1,1 миллиард сўм ажратилди. «Меҳрибонлик уйлари» ва ихтисослаштирилган мактаб-интернатларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга ҳомийлар маблағларини жалб этиш ишларига ҳам семинар иштирокчилари эътибор қаратди. Хусусан, Навоий вилоятидаги халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг фаол кўмағида 2007 йили «Меҳрибонлик уйлари» ва ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар учун 59 номда ўқув қўлланмалари яратилди. Ўз уйида таълим олаётган 12 миңдан ортиқ ногирон бола ўқув ашёлари билан таъмин этилмоқда. «Меҳрибонлик уйлари» ва ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар билан бир қаторда мамлакатимизда янги турдаги болалар муассасалари — «Оилавий болалар

Навоий вилоятида жойлашган бўлиб, уларнинг ҳаммаси транспорт билан таъминланган.

«Меҳрибонлик уйлари» ва ихтисослаштирилган мактаб-интернатларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга ҳомийлар маблағларини жалб этиш ишларига ҳам семинар иштирокчилари эътибор қаратди. Хусусан, Навоий вилоятидаги халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг фаол кўмағида 2007 йили «Меҳрибонлик уйлари» ва ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар учун 59 номда ўқув қўлланмалари яратилди. Ўз уйида таълим олаётган 12 миңдан ортиқ ногирон бола ўқув ашёлари билан таъмин этилмоқда. «Меҳрибонлик уйлари» ва ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар билан бир қаторда мамлакатимизда янги турдаги болалар муассасалари — «Оилавий болалар

вилоят Кенгашлари депутатларининг «Меҳрибонлик уйлари» ва ихтисослаштирилган мактаб-интернатларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш борасидаги фаолиятини янада кучайтиришга ҳамда давр талабларини инобатга олган ҳолда амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштиришга қаратилган бир қанча таклифларни билдирди.

Семинар ишида сенаторлар, Навоий вилоятидаги халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг депутатлари ва вилоят фаоллари, вазирлик ва идоралар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, жамоат бирлашмалари, оммавий аxbорот воситалари вакиллари иштирок этидилар.

ЎЗА





